O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
CHIRCHIQ SHAHAR
HOKIMI

ХОКИМ
ГОРОДА ЧИРЧИК
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QAROR
РЕШЕНИЕ

«05» 07 2018 yil 831-son Chirchiq shahri

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида", "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 342-сонли қарори, шаҳар ҳудудида йўл-транспорт ходисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳамда Чирчиқ шаҳар адлия бўлимининг 2018 йил 4 июлдаги 4/3-1389-сонли хулосасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чирчиқ шаҳар адлия бўлимининг 2018 йил 4 июлдаги 4/3-1389-сонли хулосаси ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙҲХ бўлимининг 2018 йилнинг 15 май кунидаги 158-сонли хабарномаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Чирчиқ шаҳар, Халқ бирлиги кўчасига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1 та 3.4 - «Юк автомобилларнинг ҳаракатланиши таъқиқланган» йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.
3. «Чирчиқ» ва «Чирчиқ тонги» газеталари таҳририяти мазкур қарорни газета саҳифаларида расман эълон қилинишини таъминласин.
4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙҲХБ бошлиғи Б.Давлетов зиммасига юклатилсин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар хокими ўринбосари Х.Э.Ашуров зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Қ.Б.Рашитов**